

**Саломат ВАФО  
USTUYRT  
хикоя**

Мен бекатга кун оканда етиб келдим. Атрофдаги бостирма остида турт-беш щазош хотинлар пиширилган овкатлар, нон ва Яна аллакандай майда-чуйдалар сотиб утиради. +али каронки тушмаган булса хам катта трассадан утаётган юк машиналар чирокларини ёкиб олган ва вакиллаб сигнал чаларди. Уаракат бир зум тухтамас гүё машиналар дарёси окаётган эди. Четрокда елим какоз остида памидор ва бодринглар корайиб куринарди. Сабзавотларни овулдошлари олиб келган куринаради. Негаки юртнииг шимол тарафларида хам бу хил сабзавотларни етишиши мушкул эди.

«Тур йукол». «Дайдиб ул алкаш». «Буларга бир марта тишигниниг окини курсатсанг булди. Сунг хира пашшадай атрофингда айланади».

Бошига катта румол ураб калтак кутариб олган ёшгина хотин алланарсани олиб кочган иккита дайдини кувларди. Сулокмондай ва юз-кузини сокол босган дайдилар орти-олдига карамай кочишарди. Айби дайди булгани. Айби уйи йуклиги.. «Нон деб какшомой ул. Ишла кутингни кийна. Сени одам булсин десам уйдаги Билан бирлашиб олибсан». Хотин жаҳл билан лланарсаларни отмокчи булади. »Не бейте пожалуйста..умру.. ». Ялт этиб уша томонга карадим. +али киркларига хам чикмаган дайди Кир куллари Билан бошини беркитиб утиради. Хотин хам кулини кутарганича туриб колди-да, сунг оркасига кайтди. «Ичмай ул, буни тупа-тузук одамларниниг боласи дейишади. Ичкилиқдан тушган ахволини кара буни, захарингга ютгунча уйингга бор, Ишла.. Мен сенларни тудирайми..уйимдаги алкашни бокайми..Уйимда хам бор биттаси берсанг ейман, урсанг уламан».

- Женге, нега нервичит килиб юрибсиз, э куйинг буларни суксангиз хам, урсангиз хам шу булар?.

Хотин бошини кутарди. Униниг чиройли юзи совуқда гезарган ва корайган эди. Каршисида турган замонавий кийинган, ёш эркакни куриб бир оз хаяжонланди. Сунг кузлари бирдан жика ёшга тулди. Кулларини кутариб румолини тузатган ва кузёшларини артган булди.

- Э, курмайсанми..эсини еган булар - овози пасайиб- Бозорда мендан бошка одам буларга нон пон берамайди. Уйда овкат ортиб коладиган булса хам, итга бермай шуларга олиб келаман. Булар хам одам боласи дейман. Э, анови Паша дегани, хали кувлаб юрганим. Уйга бориб иш-пиш килиб турарди. +а деса мендан беркитиб уйда ичишади.

Угрилиб Паша тарафга карайман. У аллакачон беркинган жойида чикиб узининг кадрдон дайдилар тудасига кушилиб шу якиндаги ахлат уйимини титклаб юради. Ёнларида турган халталар шишалар ва пивониниг тунка кутиларига тула эди. Олисда шафакниниг сунгги кизиллиги аста-секин паастга эниб борарди. +аво совук ва тиник булгани учун аллакандай кушларниниг канот кокиб юргани кузга ташланади.

- Энди автобус булмасмикан. Нима дейсиз жеге? - дедим касоскор аёлниниг эрта сула бошлаган юзларига тиилиб.

Аёл бир оКриниб («янга»)деган суз ёкмагади)ерга караб турди.

- Мен сенга янга эмасман. Энди йигирма еттига тулдим,-деди кулги аралаш. - Сунгги автобуснинг жунаб кетганига икки уч соатдан ошди. +айдовчилар каронги тушмасдан чулдан утиб олишга шошилади. Йуллар музлаган шуниниг учун секин юришади. Темирга ишониб буладими, яrim йулга етганда сахрода бузилиб колса, худо курсатмасин. +ув ановилар...- аёл кулини бостирма томонга чузиб - ..хам чулдан утиб уйига етиб олиш учун бирори автобус, бирори пойиз кутиб утириби.

- Нимада кетсам экан? - дедим минКирлаб ва аёлниниг Калати нигохидан хайратда колиб.

Униниг корачукларидан якин кариндошнин, севгилинииг нигохидан учрайдиган меҳр ва жозиба порлаб турарди.

- Тонгги туртда поезд булади. Ушанда кетгин..одам хам кам булади. Ётиб чой ичиб кетасан.

- Поездда эртага кечга томон уйга етиб борарканман. Бугун кетмасам булмайди. Айтгунча байрамингиз билан. Исмингиз ким эди? - яна «женге» дейишга тортиниб.

Сотувчи аёл олдиаги ичимлик ва овкатдан бушаган косаларни йикан куйи бир оз хаёл суриб колди. Яна чиройли нигохларини кадади. Назарида у нимадир демокчи буларди-ю, айтишга торинарди.

- Рахмат. Олмагул - бирдан униниг тунд юзи яшнаб кетди.- Билмадим унда нима киласан. Истасанг бизнинг уйга бориб эрталабгача дам ол хориб келгандирсан.

Аёлниниг очик кунгиллиги ва меҳмондустилиги олис рус шахарларида ишлаб келган мендай одамнинг калбини орзиктириб юборди. Шунда юртимни ва кишлоКимни жуда соҚинганимни хис этдим. Уйдагиларга олган майда-чуйдаларим ичидан кичик бир атири ва рангдор коҚозли печенье олиб аёлга узатдим.

У хайрон булиб, «сотишга нарса олмайман». «Мен уни сизга, совКага бераяпман». «Нега?». «Яхши ва чиройли аёллигингиз учун», - «чиройли сизига атайлаб ургу бердим».

Узимниниг устамонлигимга хам хайрон булдим. Ёт шахарларда яшайвериб хар кандай аёлни ром килиш кудратига эга эдим. +озир нега шундай килиш кераклигини тушунтириб беролмасдим. +охладим, шундай килдим.

- Вой рахмат..рахмат - у гүё бир калкиб кетди. - Мени каранг сотишга эмиш..йук..шу.., - у довдиарди. Аёлниниг кунглини эгаллаш кандай осон иш. - сизга нима берсам экан, куринишингиздан зиёли одамга ухтайсиз.

- Аслида хам зиёлиманды, - дедим шухлик билан.

- Билдим, билдим. Шунга анови одамлар билан кийналиб колма..нг дедим. Бугун эрим хам уйда эди - аёл кизарип кулди. «Исмингиз нима эди?». «Темур». «У ёқда нима килдингиз?».

- Россияда бир турк уртоКим билан университетда укигандим. Утган йил Москвага ишга келган экан. Шу чакиртирган эди. Бир йилдан бери уша ёқдаман.

- Омадингни берсин. Лекин аксарият боргандар кора ишларда ишлашади.

- Рахмат. Энди хар кимниниг туз насибаси. Ушанга байрамга уйга етиб олай деб шошаётган эдим. Ер юзининиг турли нукталаридан Устюрга етсак булди. Уйга етганимиз деб келамиз. Шу ерга келгада одамлар шишага камалган хашоратдай харакатсиз колади. Жуда Калати жой экан нега хам бу томондан юрдим. Саккиз соатда уйингда буласан деб чалКитишиди-да. Кириб курайчи утирганлар нимада кетмокчи экан.

Аёл индамади. Лекин кетишимни хохламади. Ерга караб ишларини килаверди. Изимдан караб колганини хис килдим. Назаримда униниг юрагига чуг ташлаган эдим. «Нима кераги бор эди. Уни бошка курмасам, билмасам. Негадир одамларниниг олдида узимга буйсунмай коламан. Сахийлигимни курсатгим келадимией. Бошка вактлари ака-укаларим билан юборгани пулим устида кир-пичок булеман. Устюрга хам пулни яхши курганим ва тежамкорлигим окибатида

келиб колган эдим. Бу ерга йигилган худо урганларниниг бир йилда топадиганини икки-уч ойда топишим мумкин». Узмни койиган булдим. Лекин энди бефойда эди.

Эшиқдан кириб останада тухтаб колдим. Кадим замоннинг чирокларидан сал кучлирок нур сочаётган ломпочкалар ёргида одамлар юк ва сумкалари Билан тикилиб утиришарди. «Бугун сахродан утадиганлар борми?». Тикилиб колганлар бирдан харакатга келишди. «Автобус келдими?. Каергача боради.Канча дейди». Турда бир иккитаси урнидан кузголди. «Йук, узим кетмокчиман». «Эээ..унда нега бошимизи огритасан». Яна утирганлар, бирор нарса еяётганлар ва мудраётганлар уз ишлари Билан Машгул булишди. «Ке жур..». Икки учта ёши киркларга бориб колган, спорт дупписи кийганлар йигилиб газета укиб утиришарди. Совук булса хам хонаниниг хавоси оКирлашиб кетганини пайкадим.Хонада сигарет ва кирланиб кетган пайпок иси коришиб кетган эди. «Ейсизми?». Барок кош одам катта ва серкадок муштини чузиб турарди. У бир кафт ер ЯнКок тутарди. «Рахмат».

- Японларга койилман, - деди юзи чузинчок озКин одам газетани буклаб. – роботларниниг Янги авлодини яратишибди. Одам килган хамма ишларни бажааркан – худи роботни узи ясаганлай мАКурланиби.

Кора пахталик кийган киши энгалиб «ана иккита туз» деганича гапга куйшилди.

- Зур булиби-да. «Темир хотин» киносидаги Кучкорвой айтган ишни хам бажармикан Ортиковой? – деди шумлик Билан ер ЯнКок берган одам.

- У нима иш бажарган эди? – дедим атайлабдан.

- Одамниниг хар нарса булгани яхши. Хотинимни соКиндим деб очик айтаверинг? – деди билимдон Ортик. – Узи Рахим ака сизга шундай гап булса булди.

- Хотиними соКиниши таббий-ку, - дедим яна.

- +а нима, робот Хотин буладиган булса, шу ишларни хам бажарсин-да – гап сузларга парво хам килмай.- Бизга ухшаганлар совукда ётадими пул ишлайман деб какшаб.Мана шунака сафарларга бирга олиб чикадик. Киммат булса пул ташлаб хам олардик. Нима хотиними кизКансак, кунглимиз кенг, бири мингга булади. Ювиб тараб дегандай, - кулгидан котиб Рахим.

- Рост агар шундай булганда биз хам жон деб кушилардик. Урисниниг шахРида хам бир жойга бориб ёзилай десанг. Пулингни хам олишади. Камига калтаклашади.Японларниниг катта қуКирчоКи бошка гап. Ишни килиб сумканга солиб кетаверасан.

Хонадагилар «гурр» этиб кулишади.

- Зур ном күйдингиз «катта қуКирчок»- дейман кулиб.

- +ей одам булмай улларинг. Сизларга Айни деса. Канака одамизлар узи, не азоб Билан бировниниг эшигига кул булиб пул топасизлар.Топганингизни хотинларга сарфлайсизлар. Келиб уч кун туй берасизлар. Билмаган танимаган одамларингизга едирасизлар.

- Узи сен Ортик хеч одам булмагандинг. +амма ишнинг белига тепардинг. Курсанг.. каймоқдай каймоқдай, соchlари узун рус кизлари билан гаплашамиз. Еймиз ичамиз иш уша жойга келганида манови Ортик аллакайси моКор босган кавақдан урмалаб чикади-да «булар спит булса-чи, бошкча касал булса-чи» дейди. +ей эгангни...Шу Билан тамом..

Ортик пинагини хам бузмайди газета укиб утираверади.Аста кулиб куяди. Газетани вараклаётган вактида «мани айтганимни килманг эди. Уйингизга бола-чакангизниниг олдига соК-саломат кайтсин дейман. Кулингизни ушламадим-ку».

Шу мАхал эшик очилиб тоKора кутарган баланд буйли,катта ёкали Пустин кийган мисоли бир филдай хотин бурунларидан буK чикариб пайдо булди.

«Иссик гуммалар борр..». «Узингникини хам кушиб берсанг бир тоKора олардим». «Учиб утиринг Рахим ака» деган Ортиknиниг паст овози эшитилди.

- Ортик узинг хам ёмон иштон бийти булибсан. ЙиКишириинглар майда галарни бир гумма ейлик уладиган дунёда. АччиKi борми...- дейди гуммачи хотинга юzlаниб Рахим.

- Мен хам ейман, - дейман кулиб.

- Нечта сизга? – Рахим хали хам кулганича менга юзланди.

- Иккита етар,- дейман.

- Иккита нима булади. Биз Ортик Билан ун дона оламиз. Бу жуда лечебний гумма-да молнинг упка , тумшуКи ва бурнидан пиширилган.

- +а мол бурнини шундай кесиб олиб гуммага тикишган - Ортик хам очилишиб. – Келинг якинрок утиринг, - деб манзират килади. – Ростдан хам жуда киздиради ё озгина ичворсанмикан Рахим ака.

Барзангидай Рахим пурижинадай сакраб тиззалаb олади.

- Вой Ортиkbой узингмисан ука. Каердан бундай сахий булиб колдинг. Микроскопинг кани егуликларниниг сифатини текширадиган.Срогини курадиган. Бормисан ука?.

- +ой Сулув опа водкалардан борми ё ташкаридан олиб келайликми? – дейди мактovлардан ийиб Ортик.

Кули кулига тегмай, оКзи бурнидан буK чикариб, гумма сатаётган Хотин «бор-да» дейди ва «так» этиб икки шишани столга куйади.

- Вой Ортиkbой жон узинг аклий йигитсан-да

- Ичинг захрингизга энди уйга келдик – Ортик кулидаги газетасини столга дастурхон этиб ёйиб. – Унинг нозик бармоклари мусикчиларниги ухшаб кетарди.

- Олинглар йигитлар- Рахим барча тадбиркор одамлардай стол остидан колбаса, дудланган гушт ва тузламаларни олиб куйди. У абжирлик Билан кесиб таксимчаларга тахлайди. Мен хам уйга деб олган озик-овкатларимдан чикариб куюман. Ичиб юборишади. Ортиkn кузатиб турдим: арокни буриша-тириша зурKa ютди. Памидорни хидлаган куйи ерга караб утиради.

- Еврода Ортик, хидлайвериб памидорни хам сулдириб ташладинг. Памидор хам дуёга келганига пушаймон булишди. ЙиКилганлар шараклаб кулиб юборишади.

- Кани олинглар давра совимасин, - дейди Ортик пиёлани баланд кутариб. – Йигит улмайлик.

Рахим Ортика хайрат Билан тикилади.

- Эй сен жуда маладес бола экансан-ку, - дейди елкасига кокиб. – Сени жимси меров жуда иштон бийти деб юрар эдим.Тупа-тузук эркак экансан-ку.

- Энди ака у ерда маст булсангиз куп нарсадан айриласиз. Ишдан хайдашади. Пулингизни олишади. Ёки тасаддифан урмонда музлаб колишингиз мумкин. Энди худога шукур уйдамиз. Устюрт бизнинг ватан-да.Ниятимизни каранг байрамда хаммамиз уйда бурайлик деб шошиб келиб учрашиб утирибмиз. +аммамизни уйимизда интизорлик билан кутиб утиришибди. Мана бу журамиз хам узимиздан экан.Канча ишладингиз оКайни?

«Бе..Олиб юборинглар шуни энди. Мактаган вактда майдалашмада...» деб ховликарди Рахим.

- Унча куп ишломмадим. Узи борганимга бир йил булди – дедим минКирлаб ва бир оз эхтиёт булиб.

- Пулларинизни «Вестрн юнион» дан жунатдингизми?:? Фойизи катта эмасми?.

- «Вестрн юнион» дан. +амма шундан юборганига фойизини сураб хам утирмадим – деди кулимга арок тулатилган пиёлани олиб.

Эрталабдан буён туз тотмаганим учун бошим айлана бошлаган эди.

- Жуда эзилдинглар-да. Кани шуни олиб юборайлик – Рахим ёв кувгандай шошириб.

Ичиб дастурхондаги неъматларни ейишга тушишади. Хона турида шовкин кутарилади. Ичиб олган йигитлар Сулув опа билан келган ёшрок кизга тегишишарди.

«Шу кизингизни олиб кочаман женге».

-Кочириб куймайман-да, мунинг акалари ва уларининг чопоКон отлари хам бор.

«Бе от колибдими шу замонда». «Иии..би овулдан от билан каттаймиз-да».. «Калин бераман женге.Беринг шу кизди. Ким Билан гаплашаётганингизни биласизми?. Мен кимсан Рустамбайман».

- Биламан барингни овзинго орок тийса ботир буласин, бой буласин – дейди йуловчиларниниг бу тахлит кочиримларига урганиб колган Сулув бепарвогина. – Эртага кучада курсанг биринг танимойсан.

- Чулдан утадиганлар борми? – деб бакирди эшиқдан кирган ва кош кипригларигача киров коплаган йигит.

Тутун ва буКларда аранг куринаётган маст-аласт оломон бош кутаради. Хира чирок яна хиралашган эди.

«Анна худо бераман деса, автобус хам тайёр».

- Учти ёпик КАМАЗ, одам бошига олти мингдан бесанглар беш соатда чулдан утказиб куямиз.

Яна хоадагилар ваКир-вуКур килишди.»Кузовда упкангни шамоллатасан». Кимлардир ичиб «хохолаб» кулишади.

- Кетдик. Факат бешдан килинг. Ун икки кишимиз.+ар калай печкаси бор автобус эмассиз.

- Бешдан кутармайди. Бензиннинг узига кетади.+охламаганлар печкаси бор автобусда кетаверсин. Олтидан булса олиб кетай. Булмаса тонгда пойизда кетаверинглар. Янги йил утгандан ейин уйда буласизлар.

Яна одамлар дояга турган ипак куртидай бош кутаришди. Янги йил киргунча уйга етиб бориш Кояси – энг оКрик нукта эди. Ортик кулида колбаса ва нонни Билан хайдовчига тикилиб колади. Турдаги одамлар нарсаларини йиКштира бошлашади. Рахим аввал менга сунг Ортика карайди. Шишанинг остида колган арокни шошилинч учга булади.

- Кетик Ортик. Бу ерда эмас машинада ухлаймиз. Икки хисоб бир уттиз.

- Жуда совук булади-да, ака. Худо сакласин бирон кор хол булса чулда қул телефон хам ишламас экан – дедим мен.

Рахим иккала кулини белига тираб уйланиб туради.

- Арокниниг кучи кетгунча уйда буламиз – дейди ужарлик Билан у . – Кетдик болаларимни жуда соКидим. Эртага хотиимнинг хам туКилган куни.

- Менинг онамнинг туКилган куни. Буниниг устига арокниниг кучи кетганидан сунг одам баттар совукотади – дейди уйчанлик Ортик. – Лекин ака ишониб булмайди-да. Йулда машина бузилса ёки адашиб колса-чи.

- Эээ. Турсанг-чи ана анови шерикларимиз турди. Битта узимиз коламизми.Бузилса шунча эркак итариб хам борамиз. Мана Янги шеригимиз Шухратбой хам бизга куйишилади. ТуКрими?:.

«ТуКри» дейман бош силкиб.

Барча маст-аласлар бир-бирини суюб эшикка юришади. «Тухта этигимни замогини кутарай». «Курткам колиб кетибди».

- Ким кетса чикаверсин.

- Сулув опа Яна иккита арок Беринг. Йулда Ортик музласа остига утин калаб гулхан ёкаман. Эритиб хотиининг куйнига соламасам булмайдиганга ухшайди.

Ташкарига чикишимиз Билан муздай чул хавоси юзимизга санчилади. +али хам катта трассада чироКини ёкан баҳайбат юқ машиналари ва автобуслар ваКиллаб утади. Майдон четига тизилган елим коҚоздан ясалган уйчаларда хира чироклар ёнади. Майда чўйда сотиб утирган хотинлар шу тарика жон саклаётган эди. Уйчанинг ичидаги чироклар ва шамлар ялтираб куринади. Биринчи чодирга бош сукдим. Карасам кундузи дайдиларни кувлаган аёл, кадрдон Олмагул радио эшитиб утирибди. «Ойдинлар, ойдинлар..биздан салом булсин ойдинлар».

- КираҚуй, уйга бор десам бормадинг. +аво совуб кетди. Яна Рахмим келиб Паша бомжни уйга жунатдим, - дейди Олмагул якинига гапиргандай кунглини очиб.- У ахмок булса Яна кайтиб келибди.Уйда арок колмабди шекилли... – ой тавокдай юзларининг совукдан кизаргани узига ярашган эди.

- Кетадиган булдик, хайрлашай дегандим.

Аёл Яна унКайсизланиб румолларини катта ва купол кулари Билан тузатган булади. Гуё жигари..якин одами жунаб кетаётгандай ачиниш Билан каради.

- Автобус келдима? - чиройли ва кисик кузларии тикиб.

- Усти ёпик юқ машинаси бор экан. Бир йигирма уттиз йигит жунамокчимиз.

Туйкус Олмагулниниг чиройли юзи тундлашди. Ташкарига бошини чикариб бир караб куйди. «Уйлаб суйлайсенбе машин юрганда совук ун маротаба кучли булади. Котиб коласан ёки Бирон жойингни совук олади. Анови ахмок Павлик хам шу машинада кетаман деб айтиб экан-да».

Яна бошини елим коҚозли уйчасидан чикариб осмонга караб куйди. Ундан шам иси келарди.

- Энди шунча одам кетадади. Шафёр беш олти соатда дарё буйига чикамиз дейди.

У яна асабийлашиб олдидағи нарсаларни бошадан таххай бошлади. Мен берган совКалар уларниниг орасида куринасди.

- Узинг биласан. Мен булганимда кетмасдим.Уч-турт соат сабр килсанг иссик вагонли поезд келади.

«Шерикларимдан колмай» дейман уз-узимга. Ёки колсаммикан деган уй пайдо булади.

Юк машинасининг остига темир коплангани учун иссикрок булсин деган маънода овулдан сомон ортишибди.

- Энди самонда аКанаб ухлаб кетадиган булдик. Тезрок кимиранглар турро<sup>Кидан</sup> жой олайлик иссикрок булади.

Машина эшигини очиб бостиримага якин келиши Билан йигитлар «тапир-тупур» чикиб олишди. «Куй дедим кетмайман. Узим биламан» дерди маст йигитлар. »Эски йулдан юрамиз. Шунда турт беш соатда етамиз». Кулида катта бир нарса кутарган Олмагул пайдо булади.

- +ов кора кош йигит.. Шухрат мановди ол боврим. Паша Билан ураниб кетасизлар. Галстукларингни ечиб сумада иссик кийим булса кийиб ол. Где ти Паша?.

«Бизга хам бир бокинг Сулувхон. Бизниниг хам кора кошларимиз бор. Бизга хам пустинми курпами беринг».

- Здесь я здесь – деди каронКилиқдан биров.

- Мени курпа сехим борми кизик экансизлар. +ар кун куч-коронимни кутариб от аравада зур<sup>Ка</sup> келаман. Досвидания Павлик. Где ти била будь здоровь.

- Рахмат, - Яна «опа ёки янга» дейишга хижолат буламан. – Вой-бу..буни Антрактидадаги ок айиклар кийса хам температураси чикиб кетадикуи. Рахмат. Йулим тушса ташлаб утарман.

«СоК бул» назаримда хотиннинг кузларида ёшми, кировми ялтирайди. Сунгги сузларни овози бир оз калтираб гапирди чо<sup>Кимда</sup>.

Кудратли машина ва<sup>Киллаб</sup> йулга тушади. Бурнимизга бензин ва тутун хиди уради. Барчамиз маст булсак хам, «овмин» деб кулимиизни юзимзга сурасиз. Машина яланглика чикандан кейин униниг минг хил тешкларидан кирган шамол тинмай хуштак чала бошлади.»Хуштаквозлик буладиган булди-ю» дейди Рахим йуталиб.

- +а сизга хукиздай букиб ичманг дедимми хозирдан йуталаяпсиз.

- Йутиаламан-да..йигирмата одам бир вактниниг узида ел чикараётгани кейин..Узи хайдовчилар хаммага биттадан противогаз бериши керак эди. Айникса хозир ичилган арокдан кейин.

Утирганлар хохолаб кулишади. Шу мАхал бурнимга арок иси ва аччик рутубат иси урилади.

- Караплар телефонлар хам ухлабди. Мана мониторида «нет связ ёзилган».

- Брат здорово. Калайсан?

- Здорово – каронКида униниг Павлик эканлигини англайман у барча козоклардай якин куриб «сенларди».

- Яхши. Паша нега бу ахволга тушиб колдинг. Женге сени яхши одамларниниг боласи булган дейди.

КаронКи САхн совук шамолларда гувлаётган моторга кушилиб зулмат аро илгарилайди. Бир зумда йоловчиларниниг овозидаги шодонликдан асар колмади. Совук баданимизни пичоқдай кесарди.

- Дольго история. Немношко налите рассажу..- дейди пустин остига «хаким бор дегандай »оё<sup>Кини</sup> тикиб.

Машина силтоворида енгилгина сакраётган ёшгина йигитниниг аллакачон адои тамом булганини англайман.»Балони ичин.. Шуниниг сассик хикоясини бошингизга урасизми?» дейди Рахим уйку аралаш тун<sup>Киллаб</sup>. Пайпаслаб арок шишаларини топаман.+али ичишга улгурмаганимиз учун Рахим пиёладаги аврекни шишага кайтариб солган эди. Нихоят енгилрок шишани чайкаб куриб, Павлининиг бир оз калтираётган кулига тутказаман.

«Ма хохлаганча ич». «Это наасвем мне». «На совсем тебя». Машина чайкалади, Кижирлайди, чул шамоли тинмай хуштак чалади. Дайди хамрохимниниг овози эштилмай.. «увик..увик» деган ютиниши кулока чалинади. У шишани паҳолга «дупп» ташлаб жимиб колади. «+еј урток Павлик Мороз ухлаш йук. Расскажи пожалуйста..». «Ух совук утиб кетди-ку хамма ё<sup>Кимдан</sup>. Холодильник хам иссикроқдир.Шухрат жуда эринмаган банда экансиз-да шуниниг сассик хикояси нимага керак сизга». «Э, ака сизга ухшаб мазза килиб ухласам эди..Мана соат энди ундан ошибди.Касофат батерияси утириб коляпти».»Каерга келган эканмиз» дейди Рахим. «Сахрога. Ким билади каерга клганимизни..». «. Шамол Кувиллайди, кийналиб илгариётган машина ункир-чункирларда коптоқдай сакрайди.»Кайси ахмок унга эски йулдан юр деган экан».Олис-олисларда дайди чул шамоллари кашкирларга ухшаб ув тортади. Дикат Билан кулорк солинса, мотор Кувиллаши орасида минглаб от туёкларининг саси келгандай булади. «Павликнинг:»А чём..Да..да..»деган кайф ва уйку аралаш саси узук-юлук эштилади. «Моя мама Роза Хасanova в этих степях радился. Москве ВГК учился и там остался..- назаримда мудраб кетади. Мен дайди бир одамниниг о<sup>К</sup>зидан чикаётган гапларга хайратда колар эдим. Олмагулнинг айтганича бор экан: «чиндан яхши ва хатто катта одамларниниг фарзанди экан». «Кайси асрда ту<sup>К</sup>илгансиз Шухрат..» - машина силкиниб-силкиниб тухтаб колади. +амма нафасини ичиға ютиб ташкарига кулок солади. «О, худойим» деган нолалар эштилади.Кимдир кабинани «дук-дук» уриб куяди. Мотор Яна ут олиб юриб кетади. «Шафёрлар ухлаб колмадимикан узи» дейди Ортик узига гапиргандай. «Потом родители разошлись. Я с матерей остался..ухху.. она мучился с моим воспитанием. 1995 год в время съёмок её сердце остановилась. Тогда 12 была мне. Потом отправили сюда к степ бабушку..И недавно она тоже умерла..».Паша о<sup>К</sup>ир хурсиниб бурнини тортиб куяди.Алланарсаларни шитирлатади. «Шумкадам. Онаси хакида гапиришини каранг.Магазинга бориб келдим. У ерда сеткам узилди дегандай. Вой кучада улгур..» дейди асаблари какшаб Рахим. «Москве машиненнику папаль ухху.. они квартира моя продали..начала пит спасти от холода своё шукуру.И вот брожус как свободний ветер..». У яна шишани излаб топади. «Эй свободний ветер учасанми йукми. Алкаш, дангаса ярамас. Онаси не азобларда олган квартирасини алкашлиги окибатида йукотибди. Энди улсанг хам Москвадан квартира оломайсан».Дайди яна бурнини тортиб узича «ух»лаган булади. «Рахим ака куйинг энди. +ар кимниниг хаётда тақдир насибаси бор». «Э куйдим. Бу свободний ветер ичмаганида тақдир насибаси бошкача булади.» Рахим тиззасига «шапиллатиб уради. ».»Пашша энди каёка кетяпсан?». «Питеру..там знакомый есть».Униниг овози моторниниг гувиллашида узук-юлук эштилади. «Знакомый кто он тоже бездомный».Паша Рахимдан хайкиб бир муддат жим колади. «Бездомный но он работает дворником. У нее подвале тёплый места есть». »Такой место здесь полно ж..Сколько лет тебе?». «Тридцать два..Правильно но зднсь домой гоняет..только видели же..» «А там из дома вигоняет да».Шамол хуштак чалади, машина кийналиб илгарилайди. «Вой..вой ..шунча ёшми бу..Ман бир эллигидан ошган деб уйлабман. Шухрат хозир учмаса пастга отиб юбораман. Буриларга ем булади».»Куйинг бирорни уволига колманг».» Э бу спиртной свободний ветерди бури хам емайди. Еса хам отравление булиб улади» чидолмайди Рахим. «Ака, нима дейсиз» дейман аста.. Павликнинг овози чикмай колди.Машинанинг ичи совиб янада купрок силкитади. Рахим ва Ортик тун<sup>Киллай-тун<sup>Киллай</sup></sup> жимиб колишиди. Эшишикка якинроқда ётганлар музлагандай котиб колишпади. Одамларнинг ухлаб колганини билгандай чул шамоли кутуриб машинанинг тунукасини дупуратар, Материалдан ясалган тусикларни «шалоплатиб» уради.Чул уртасида каронКилик ба<sup>К</sup>рида улкан машинамиз Кувиллаб илгариларди. Барча эркакларниниг уйида арчалар безатилган ва

байрам дастурхонлари ёйилган. Кучадан утган машиналарнинг овозига кулок солишади.» Карап отанг..аканг келмабдими?» дейишади. Аста урмалаб эшик тиркишидан ташкарига карадим. Павликнинг кучукболадай Кингшиган овози эшитилди. Атроф зим-зий олис-олисларда шафакнинг окиш бир булаги кузга ташланади. Узимни жон холатда оркага олдим. Бирдан эшик очилиб кетиб тушиб колсам нима булади. Ё совукдан котиб уламан, ё ёвойи жонворларага ем буламан. «Эй худо дунёнинг барча авлиёларига илтижо киламан. Бола-чакамиз хаки эсон-омон етиб олайлик. Минг ланъят сенга Рахим, нега хам машинага чиқди.» Яна урмалаб келиб исик пустиннинг остига кирдим. Силкина-силкина чулнинигми, шамолиниг «оҳҳ»ларига ва моторнинг Кувиллашига узок кулок солиб ётдим. Бундан ун йиллар олдин бир рус кизи Билан поездда кетгандим. Унинг буйлари баланд, мовий кузлари сокин денгига ухшарди. Едик ичдик. Кечаси шу ишга ишора килсан каршилик курсатмади. Сунг у Билан ковушдик. Вагон чайкалиб аллаларди. Умримда биринчи маротаба бегона аёл Билан ковушишим эди..Нега эсладим ёки бирон кунгилсизлик юз берармикан?

КулоКимга кирган вакир-вакурдан уйКониб кетдим. Павлик худди уликтай донг котиб ётар, яна турт бешта уйкуси каттик одамлар бирининг оёки, бошка бировининг еласи очилганича котиб ётишарди. Кузларимни ишкалаб пастга тушдим. Машина тухтаб одамлар уйкусира, жунжикиб туришарди.+аво жуда совук булгани учун хамманинг бурнидан паравозникидай тутун чикарди. Чор атроф сарик тусда, олислардан шурхок ерлар кишдан колган кор билан кушилиб окарив куринади. Назаримда дунёнинг четига чикандай эдик. Бу ерда цивилизациянинг белгилари сифатида качонлардир асфальтланган эндиликда буткул тупрака ботиб кетган йул ва бошимизда Кувиллаб турган юксак частатали электр симё Kochari ва каёкларгидир узанган симлар бор эди. ИйКилганларнинг авзойига куриб юрагим «шувв» этди. Бирон кор-хол юз берганини англашади. Телефонимнинг батерияси утириб колган эди. Бир соатлардан сунг уйдагилар уйКониб иссикина сутли чой ичишади. Байрамга тайёрланган шириналлар, колбаса, дудланган товук гушти ва сомсалар ейишади. Олислардан тонг окара бошлаган эди. Миямдаги «энди нима булади» деган савол зурлик килар, бошка нарсалар хакида уйлоласдим.

- Нимага мазгини....сан а, нимага мазгини компосироват киласан. Кулингдан келмаса нега чикасан йулга ифлос. +озир уриб башарангни ёриб ташлайман, - Рахим бошчилигида иккя учта йуловчи хайдовчи йигитларни бурчакка тикишарди. Йигитлар бир чеккада Кужанак булиб утиришарди. Баш кийимини кимдир уриб туширган сочлари шамолда тузКирди.

- Ярим тунда ухлаб колмай деб шеригим билан алмашгандим. Уйкусираф кайрилиб кетибман шекилли..

- Вой онангни..адашиб кетибман демайди.» ..кайрилиб кетдим» дейди. Сенга йигирма одамнинг хаёти уйинчокми..Нега кеча алмашган жойингга яна кайтиб келибман демайсан. Ит.

Биз тап-такир сахрониниг уртасида тураг э

Дик.

- Тухтанг Рахим ака, атайлабдан килишмади. Бу ердан кутулишни уйлайлик. Кани акалар нима киламиз.

Уйкусиликданми ийКиданми кузлари кизариб, ичига боиб кетган хайдовчининг овози тамоман буКилиб колган эди.

- Ун ун беш литр бензин колди. Йулдан биринчи зоправкада куяман деб уйлагандим.

- У..у..кани куйганинг?.

- Йигитлар, йигитлар энди фойдаси йук.

+айдовчилар конталаш кузларини олис-олисга тикишади.

-Шеригим билан пиёдалаб катта йулни излаб келсакмикан – дейди тақдирга тан бергандай.- Яна адашиб юрсак бензинни хам..

»Шуни олдинрок уйлаш керак эди» деган гап сузлар эшитилди оркадан.

«Ухх» атрофдаги кайфи таркаганлар колган-кутган сигаретаралрини тутатиб туришарди. Чеккада утирган йигит телбалардай уз-узидан бошини силкитарди. »Бугун мани туйим..». «Нимаа?». «Машинами ёки псих больнисами». /илдиракка суюниб кузлари уйкусиликданми ёки ийКиданми кизариб кетган йигитга карашади. У узок уф тортди..«25 декабрда уйга етишим керак эди. Вокзалда паспорт, пул ва телефонимни олиб бир хафта камаб куйишиди. Чикиб ун кун деганда етиб келдим. Устюртдан утсам булди деб акалардан илтимос килиб машинага чикиб олган эдим». «Эркак киши уялмайсанми ийКлагани..яна уйланармишлар».Ака, ийКламадим. Уйдагилар хамиша гапининг устидан чикмайдиган одам деб хисоблашарди. Мана энди...»

Рахим бир чеккада бошини ушлаб утиради. Тап-такир сарКиш чексиз сахро одамни вахимага соларди. Якин орада кузга ташланадиган нарсаннинг узи йук. Чулниниг улканлигига киёслайдиган хеч нарса йук. Униниг узи шу холича – бутун ер юзидан иборат эди. Дунёда сахродан узга ном йук эди. Бу маҳобат олдида инсон иродаси деганлари бекор эди. Бу чексизлик хар кандай нарсани уз измига соларди. Бу ернинг алоҳида конунлари ва мезонлари бор эди. Улчамларнинг номи - эса сахро эди. Куз илКамас узоклика на таракиёт ва на хаёт излари кузга ташланарди. Олисларга чузилиб кетган электр симлари кучли шамолда «Кувиллаб» гуё номаълум ёмонликлардан дапак бераетгандай чайкаларди.

Бир пайтлар узимни хамма нарсага кодир одам хисоблардим. Лекин маҳобатли табиат ва техника олдида бир зарра хам эмас эканман. Очликдан корним кулдираб кетарди. Шунда кадим суфийлар очликдан кутулиш учун корнини тортиб боклашганларини эсладим. Камаримни тортиброк бокладим. «Шувв» этиб ичимга шамоллар окиб кирди. ОёКим, бармокларим музлаб колаёзган эди. Айлана булиб «дуп-дуп» сакраётганлар сафига кушилдим. Гапиришга хам холим колмади. Негаки бир тухтамга келмасак бирон фожеага учрашимиз тайнин эди.

- Унда бензин етгунча кетаверсакмисан? – минКирлади хайдовчи.

Сакраётганлар бирдан тухтади.

- Кейин дуч келган жойда тунКидай котиб уласанми?.Телефон ишламаса..

Шамол кучайиб яна минглаган хуштаклар ишга тушди. «+уштакбоз шамол». Бахтсиз куёвниниг бурнини тортиб ийКлаётганини аник эшитиб туардик. У худди отасидан гап эшитган усмир йигитчадай хунг-хунг ийКларди. Яна айлана булиб сакрай бошладик. »Художон нима гунохимиз бор эди» деб нола киларди машинанинг орксига яна бирор.

- Унда йулКун ва саксовул купирок жойда тухта. Гулхан ёкиб жон саклаб турамиз. +озир вактни утказмасдан ёзилиб олинглар - деди Ортик оКир хәёлга чумиб.

Одамлар сал нарока чикиб заруратини бажаришди. Фалокатда инсоннинг энг нозик туйКулари уят ва андиша емрилиб кетаркан. Очлик бизни хайвонларга якинлашиб куйган эди.

Яна юриб кетдик. Назаримда шамол кучайиб моторниниг гувиллаши хам заифрок эшитила бошлади. Шамол хар кучанганда бирданига йигирмата одамни юраги тухтаб колгандай булади. Негаки машина тухташи билан манзилимизнинг хам сунгги буларди. «Нахотки шу ерларда бир балоларга учрасак. Нахотки улигимиз сахроларда колиб кетса». Мен хали хам ахволимизга унча ишонкирамай, Кариб холатимизни баҳолай олмаётгандим. Агарда совукда тунКиб улсак, улигимизни ёввойи хайвонлар Кажирмикан?. +али бекатда киш каттик келганидан бури, тулки ва яна аллакайси хайвонларнинг куйларга хужум килгани хакида эшитгандим. «Биз купчиликмиз» яна далда бердим узимга. Назаримда бизни куткарувчи самолётми ёки машина этиб келадигандай эди. «Энг ёмони бизнинг адашиб колганимизни на у ёқдагилар ва на бу ёқдагилар билади. Бахтга карши бугун хамма идорада-ю ташкилотлар ва уйларда 20...ийл байрам тайёргарлиги... ». Касофат шамол Кувиллар, игнадай тешидан тудай совук кириб очлиқдан какшаган вуджудимизни Кижимларди. Орадан бир соатча вакт утмай машинамиз силкиниб-силкиниб учиб колди. «Ана онангниги.. этиб келдинглар». «Улигимиз шу ерда колиб кетмаса булди».

Ёши каттарок йулловчилар сакраб тушиб кетишиди. Кузовга сомондан колган бир дона буҚдой башоКи илиниб турарди. Шарт узиб олиб оҚзимга солдим. Ноннинг таъмини хузур килиб суриб ётдим. Павел урмалай-урмайлай ерга тушиб кетди. «Это дорого Питера..» деган овози эштилди. Дайдиниг алаҳисирашига хеч ким кулмади. «Это Москва..Москва.туш дайди кузи.Етиб келдинг». Барча атрофга утин тергани таркаб кетишиди. Улар бир карашда инидан егулик учун таркаётган ялтирок канотли чумолиларга ухшарди. «Узока кетиб колманлар адашасизлар». «Утинни тергунча териб оркага кайтинглар».

Шамол кучайгандан кучайиб сарКимтири кулранглиқдан иборат чексизликларда куюн хосил килиб, утган йилгидан колган янток ва камишларни учирив юрарди.. +амроҳларимнинг барчаси камондай энгашиб колган эди./ам ва йул азобидан бир бурда булиб колган хайдовчилар машинанинг юмшок уриндикларини судраб келишиди. Кора мой изидан доҚ-дуҚ булиб колган шолчани саксовулининг эгри таёКига илиб пана килиб куишиди.Бурнимизга ёҚ ва бензин иси уради. ТуКриси уша хиддан, яъни хаётни эсга соладиган хид бир оз кунгимизни кутараарди. «Устига хам бирон нарса топсак зур буларди». Утинга кетгандарнинг беш-олтитаси кайтиб, ярим соатда урина-урина олов ёқдик. «Гугурт ва утинни тежанглар». Озик овкат хакида гап булиши мумкин эмас эди. +амма оч эди.

- +аммамиз канча эдик. 23 нафарми?. Унда нега 22 миз. Ким йук биласизларми?.

ЙиКилганлар бир-бирига караб жим колишиди.Одамларни бир-бир санаган булишиди.

- Мани шеригим Эрназар йук. Лекин у олдиндан ишлаб юрган одам. +озир бир кучок утин билан кайтиб келса керак. +айдовчиларнинг каттаси Ортика юзланди.

- Ака, шеригим билан катта йулга чикиб келмокчиман.

Барча сергак тортиб хайдовчига карашди. Шамол хам кенгликлар аройуналишини угартиргандай булди.

- Катта йул каерда узи?.

У соколи усган озКин юзини бекитиб олди.Шамол хам тухтаб одам боласи неларга кодирлигини курмокчи булгандай жим колди.

- Худойим бир йул курсатар?.

Рахим ва яна бир икки барзангি урнидан сакраб турди. Ортик «акалар жим» дегандай кулларини куксига куйди.

- Худойингни кандай йул курсатганини бир марта курдик. Мана утирибмиз сахрода улимимишни кутиб.

+айдовчи уйқусизлик ва Камдан кизарган кузларини Рахимга илтижоли тикди. Назаримда миҷжаларида ёш ялтиради.

- Энди менинг хам сизлардан фарким колмади.Оддий йоловчига айландим. Бундай утираверсак..- гапини давом эттиrolmasdan каттик ютинди. - Худо билади каердалигимизни каронКи тушмасдан бир иложини топсак дегандим.

Барзангилар кул силтаб машинанинг оркасига утиб кетишиди.

- Кетавермайдими, барибир хеч балони эплолмайди. Кетган кайтиб келадими узи? – у Эрназарга ишора килаётган эди.

- Учуб утиринг Рахим ака. У ёқда кетайлик деб миямни едингиз. Энди хайдовчининг асабида уйнайсиз. Кандай одамсиз узи?..Нима истайсиз? – деди Ортик жаҳлдан буКрикиб.

«Мама..мама..». Барчамиз ялт этиб машина тарафга карадик. Паша сап-сарик курткада буқчайиб бир бурда булиб утирад, шамол ёкалари ва этакларини учирарди. Кузовдан тушиб хали бир кадам хам юрмаган бизнинг «Павлик бомож» йиКлаб утиради.«Мама..мама..прости меня..». Дайди ювилмаган искирт сочли бошини ва ерни муштларди. Елкалари титраб – титраб йиКларди. Назаримда жуда ичкиси келаётганидан жазавага тушиб, «арок» дейишини урнига, биздан курканидан «мама» дерди. Унинг ёнида на халтаси ва на таниш шишалар куринарди. Ичкиликдан абгор булган юзини ва хидалашган куларини тап-такир сарКиши сахрого тикканича йиКларди.Сахро хам минг йиллик ёлКизлиги ва Камлари билан бакрайиб турарди. Айни шу чоҚда унга инсон ва униниг Ками бегона эди. У факат аравасида узининг кушикларини айтганларнинг бошини силярди. Одам барибир бегона эди.+а Пашажон энди энанг ёдингга тушдими. ». Кулган булдик. +айдовчи шериги билан тупдан ажралиб номаълум манзил сари йулга тушди. Эрназар хали хам кайтмади. Бир узи йулни излаб кетгандикан?. ЙиКилганлар кузлари билан кузатиб турсада, узларини курмаётгандай тутардилар. Уларнинг сафдан ажаб кетаётгани кунгларни Куссага тулирар ва назарида улар кутулиб кетадиган ва биз сахрода халок буладигандай эдик.

- Ановини каранглар. У нима экан? – Рахим кунчикар томонда аранг кузга ташланаётган нарсага тикилди.

- Мираж. Чулда, кумда шунака нарсалар учрайди – деди илгари хам бу ердан утган одам.«Сароб дегин». Машина ортида Пашанинг ичикиб йиКлагани хали хам эшитилиб турарди. «Проклятое место. Ненавижу тебя, не навижу..Это степь, ветер проклятие, безсмысленное небо. Ненавижу тебя жизнь. Мама умерет хочу..есть хочу».

Барча очлиқдан тиришиб улаёзган эди.Кимдир телефонини гулханга ташлаб кетибди.Шу билан халос булиш хакидаги умид туйКусидан кутулган куринади. Утин хам тугади. Утин булган тақдирда хам уни ёкишга бирон кимсада истак йук эди. КаронКилик кора лашкардай босиб келаётгани боис барчанинг руҳи тушиб кетди.+айдовчиларнинг кайтиб келмагани одамларнинг халос булиш хакидаги ишончини сундирган эди. Энди ёкишга утин йук, ерда колиши хам куркинчли эди. Шуниниг учун барчамиз урмалаб-урмалаб аста секин машинаға чиқдик. Самонлар музлаб оёқ остида эзиларди. Кузовнинг ичи музхонага айланган эди. «Эрназар кайтмади-я». Шу суздан сунг машина ичи яна хам совуб кетди. «У адашиб колган булса..Ё совукотиб улади, ё хайвонларга ем булади».«Шафёрлар нима булади». «Йулга чикан булса келар. Адашган булса..бильмадим». Чулнинг телба шамоли буткул хукмрон булиб олгандай кучайиб «чийиллаб

хуштак» чаларди. Агар сомон булмаганды аллакачон савук котиб улишимиз тайин эди. Назаримда барчанинг кони котиб музлаб колаётган эди. Ташкаридан элас-элас йиКига ухшаган сас чор атрофга тракалар эди.

- Бирор йиКладими? – дедим кароКилика караб.

- Эрназар кайтиб келдимикан?.

Яна жим колдик шамол аллакайдан одам йиКисини олиб келарди.

- Бурининг урКочиси хам ой чиканда шундай улийди – деди кимдир.

Яна жим колдик. «..ама..аа» дега узук-юлук сас эшитилди.

- Э, бу боможимизнинг овози-ку – дедим.

- У касофат качон чика колибди?.

Эшик дукиллади. Бир муддатга тилимиз калимага келмай колди. «Откройте..». Яна жим колдик. Балки чул арвохларицир, Паша тилида гапираётган. Музлаб колган эшикни зурКа кийналиб очдик. Эшикдан олам-жахон совук кирди. Ой чикан, лекин хаво булат эди. «ёп..тезрок ёп» дейишди ичкаридагилар.

- Сволов Рахим вибрасиль мня на улице..

У каршимда арвоҳдай калтираб турарди.

--Сен каерда эдинг? - дедим хайрон булиб.

Ичкаридагиларнинг норози овози эшитилди.

- Кайси гурдан келди жондорга ем булгур.

- Я думал в кабине тепло будет. «Нечего не делал, только: Алмагул дура сказала..потому что она водка не дала ..» Я голодна как собока – деди хириллаб.

- +амма оч ?.Бу бомож совукдан кандай сакланишни билади.

- жимм..эшитияпсизларми..- деди бирор астагина.

«Эй худойим оёКим музлаб колди. ОёКимдан айрилиб колмасам турга эди.»

- Одамнинг сасими назаримда кичкирик кулоКимга кирди?

«Ёрд..амм» дерди зулмат куйнидаги минг йиллик сахро , бор журъатини йиКиб. Олис – олисларда сахроми осмонми «оҳ» чекарди.

- куркинчдан вас-вас булиб улмасак яхши эди.Бу темир кафасда..

- э, кар булғанмисизлар ана кулок солингар, Бури улаяпти-ку..

Бирданига хамма жим булиб колди.Зим-зиё сахронининг уртасида бир машина одам тузока тушган сичкондай камалиб куркинчдан калтиради. «Бурилар колган экан-а..».

- Булар одам исини олди. Ёки..- униниг нима дейишими билиб турардик.

У гапининг давомида «бурилар хайдовчиларни ёки Худойназарни еб энди бу ёка келмокда» демокчи эди.

Шу маҳал кабина эшиги «шараклаб» очилиб кетгандай булди.

Куркинч билан сахрода колиб кетган уч нафар шеригимизнинг тақдири хакида уйладик. Куз олдимга буриларнинг конга ботган тумшуКи ва жунлари келди. Инсон конини ичган жондорларнинг хукм ва тантанага тула вахший овози чулу-саҳролар узра муаллак осилиб туради. «Уу..увв..уимни бузган сенми коч йулимдан эй икки оёкли жонзот».Мутасил эсадиган шамол,поёнсиз кенгликлар овоз маҳобатини янада оширади. «Ааа» деган сас эшитилди. Кузовга темир даранглаб урилиб- урилиб кетарди.

- Рахим-ку бу юринглар. Бир нарса булди – афтидан Ортиқдан бошка хеч ким кузКолмади. Одамлар куркинчдан бужмайиб колишган эди. Эшикни очишимиз билан сутдай ёруКликдан кузимиз камашди.Ой булатлар орасига goх беркиниб, goх чикарди. Ерга сакрашимиз билан икки учта кора шарпа «шув-шув» ёнимиздан утиб кетди. Ой момониниг рахми келгандай бор нурини машина устига тукарди. Якингинада жондорнинг хириллагани, Кингигани эшитилиб ва «гусур-гусур» югуриб юрган одам шарпаси кузга чалинди.

- Рахим ака – деб хитоб килди Ортик.

«Темир.. кабина..олиб ке» халлосларди Рахим.»Мана оналарингни сани.. бир».

Темирнинг юмшок нарсага теккан буКик овози эшитиларди. Биз узун узун кутаргичлар билан машинани даранглатиб урадик. Сунг Ортик каронКилик карига югуриб кетди.ТуКриси униниг ортидан боришга куркдим.Шу маҳал машинанинг сигнали хам чалиниб кетди. Чучиб тушдим. Кимдир буриларни чучитиш максадида жон-жаҳди билан сигнал чаларди. «Боб..бобоппп». Товуш бутун борлик аро акс-садо берарди. Биз уз холича атрофга «SOS» чакиравини таркатардик. Лекин чакирикимизни хамма вактдагидай хеч ким эшитмас эди. +аёлимда бури келиб ёпишадиган булса олишишга мадорим йўк дердим. ОчиКи куркаётганимни тан олишим лозим эди. Совукданми, куркинчданми бутун вужудим титрарди. Ёнимдан «шувиллаб» кора шарпалар учуб утди.ОхирроКида секинрок чопаётгани итдан тикрок бир бало эди. Уларнинг чуКдай ёниб кузларидан куркинчили бир жондор эканини англадим. Мен бурини шахарда хайвонот боҚида курган эдим халос. Рахим билан Ортик халлослаб аланаарсани судраб келишди.

- Улдирдингизми..бури эканми? – дедим хайратланиб Рахимга.

Иккаласи хам негадир жим эди. У нарсани ерга куйишган эди: «шилк» этиб тушди.. Энгашиб карасам коп-кора булиб куринаётган нарса одам экан. Беихтиёр бир-икки кадам оркага тисарилдим. Шу пайтгача улган одамни бу кадар якиндан курмаган эдим.

- Бечора..шу ергача келган экан. Машининг томи никелдан эмасми, ой нурини кайтарган ва олислардан хам ялтираб куринганд. Вой бечора этиб келганды талашибди...Назаримда у куп ёрдамга чакирган. Мен борганды хам хали тирик эди.Назаримда шу ергача нимададир келган. Отдами..аравада келган булса, от бурилардан хуркиб кетдими?. Бури разил хайвон улжасини тамоҚидан осилади – деди Рахим буКик овозда.

Яна жим олдик. Олисларни яна буриларнинг саси эшитилди.

- ким экан бу? – дедим

- Кимлигини нима фарки бор. Бизнини биродаримиз. Булар кон исини олди энди тонг отгунча кетмайди. Уликни нима киламиз. Бечорая хали бадани совимабди хам.

- Рахим ака..тухтанг бу аёл-ку..

- Аёл?. Эсингни едингми аёл нима килади бу ерда?. Ия, ростдан аёл экан. ЁпираЙ?.

+аммамиз хайратланиб уликни ураб олдик ва энгашиб танийдигандай карай бошладик.

- Рахим ака, - Рахимниинг мардлиги учун хурмат килиб унга мурожат килдим. - Бу кечаги вокзалдаги аёл эмасми..Олмагул Паша иккаламизга пустин бериб юборган.

- Ушами..- деди энганиб Рахим. - Вой бечора кечаси чулда кандай адашиб колди экан.Ёки овули узокмикан?.Кани Пашани чакирайлик булмаса..

«Ё худойим овулдан аравада келаман» дегандия.

Дайди Павел худди шуни кутиб тургандай зулмат куйнида пайдо булди. У жондорлардай тунда жонланиб кетган эди.

- Я вам здорово помагла да.. Отзыва убежали твари..- дерди кувониб Паша пойнтар сойинтар холда.

- Паша знаеш эта женшина.. ти у них била?.

Паша коп-кора хайкалдай котиб туради.

-- Откуда здесь женшина. Разве кузове женшина била?.

- Э, гапни купайтирма..бу кечаги вокзалдаги хотинми? - Ортик ерда соchlари ёйилиб ётган хотинни курсатиб.

Паша сархушлик умрида биринчи марта хушёр тортиб:

- Да..да..а что с ней?.

- Ну ёки сенга керак эмас, касофат - кукрагидан итраиб Рахим.

- Ой ради христа его волки грезили.. о боже..

«Сенам худони биларкансан. Борган жойинг палакат».

Бир зум чул хам одамлар хам сукутга чумди.

Юкрига чикарамизми? - деди Ортик.

Ичкаридагилар бош чикарди. «Тинчлики?». «Тинчлик».

Яна жим колиши. Буриларнинг овози кучаярди.

- Эшитаяпсан-ку. Булар оч булса дарахтга хам чикади. - деди яна Рахим Куссали овозда.

- Унда ичкарига олайлик.

- Э куй шу хезалакларни - «хезалакларнинг » ичада мен хам бор эдим. - улик билан бир жойда ётадими шулар. Яна чулдан топдик десак. Юраги уришдан тухтаб колар. Яхшиси кабинага олаколаман.

Биз Ортик билан уликни кабинага куйиб яна машинага чиқдик.»Барибир Пашанинг юраги бор экан. Сигнал чалишга акли етганини кара. Русда рус..» Рахим улик билан ёлКиз колди.»Ухламанглар, гаплашиб ётинглар музлаб коласизлар».

Гуё киришимиз билан кузов ичи совуб шамол яна хам кучайиб кетди. Пустинга уралиб сомонга бикиниб олдим. Аста секин бутун вужудимдан совук ута бошлади. +Али хам бу ерда йигирма одам нафас олаётганимиз учун ташкаридан бир оз фарки бордай эди. «Бечора аёл кандай килиб чулга чикиб колиби. Нега бу ерда пайдо булиб олди». Миямда минг хил фикрлар айланар, ич-ичимдан аёлнинг фалокатини узимга бўклигигини хис килардим.»Музламадингларми?. Паша тирикмисан?.. Овозим совук темирларга урилиб чил-парчин булди. Яна шамол Кувиллаб саҳро уртасидаги инсон яратган уйинчок устида каҳр билан раксга тушарди. Машинани ростмонга аҚдариб юборадигандай чайкарди. Иссик хонам..ширин овкатлар ва кип-кизил булиб тотли буй таркатадиган нонлар бир-бир куз олдимдан ута бошлади. «Бундай улишни хохламайман..хохламайман». Кузларим совукданми, уйқуданми тошдай оКирлашиб мудраб кетаман.

Ёнгинамда алланарса даҳшат билан улиди. Куркинчдан кузларим очилиб кетди. Машина томида бир нарса жундор панжалари билан «шиш-шиш» юрарди. Униниг уткир тирноклари темирга «чишт-чишт» уриларди.»У..увв..увв.. «Келинглар бу ерда Калати улжа бор деб чорлар эди туда боши..». Чор- атрофда сукунат хукмрон. Машинадагиларнинг барчаси музлаб ёлКиз узим бу зулмат дунёсида колиб кетгандай булдим. «Художоним узинг сакла..азиз авлиёлар ёрдамга келинглар...». Мен тинмай худога нола килар ва шуниниг баробарида музга айланаётган куз ёшларим..яъни муз парчалари ютардим. Бирдан хаёлимга Рахим келди. «Эй худо жиннилик килиб темир-семирни кутариб чикиб кетмаса эди». Чунки машина атрафида афтидан беш-олтита бури айланарди. Улар хансираф киска-киска нафас олишар ва орасира бир-бири билан тишлашиб колишишарди. «Шитир..шитир». Афтидан жондор ковлаб тушмок булиб темирни тирналарди. Ана сийиб хам юборди. Балки бури темир тирнок булгандага хам копотни тешолмасди. Лекин уша пайтда шундай ожиз ва натовон химоясиз бир одам эдим-ки, назаримда бури хали замон томни тешиб тушадигандай эди. Том гусурсур булди. Афидан жондорлар бир-бирини тишлар эди. Олис-олисда поезднинигми алла кандай моторниниг овози эшитлгандаи булди. Кеча йулга чикан поезд Устюрга манзилга якилашиб колган эди. Каердадир милтик отилди. Кузов тепасидаги жондорлар бир зум тек колиб сунг шарпасиз пастга «дуп-дуп» сакрашди. Менинг кавокларим оКирлашиб куларим юмила бошлаган эди. Чунки икки сутка давомида ухламаётганим учун уйку улкан кучкилардай янКлиК босиб келарди. Кузим юмилиб, нафасим ичимга тушиб кета бошлади. +ароратим кутарилдими, алаҳсирай бошладим. «+айр орзуласим..хайр иссик уйим. +айр Олмагул.Сенинг улимингда айбим йук. Лекин кейин англашим. Нотаниш одамга пустин хадя этган одам. Уни зулматлараро излашга хам кодир экан. +айр Олмагул балки куришиб колармиз..Сенинг улимингда айбим йук...». Сунг хеч нарсани эшитмай колдим. Балки бу ёруК оламдаги энг сунгги фикрларим, меҳрга ташна калбимнинг сунгги талвасалари эди.